

## **WATER RESOURCES AND TOURISM DEVELOPMENT (IN THE CASE OF BUKHARA REGION)**

**Mavlanov Ahmadjon Muhamadovich, Shokirov Akobirjon Abror o'g'li  
(Bukhara State Pedagogical Institute)**

**Abstract:** In this article, the development of tourism in relation to water resources is analyzed on the example of Bukhara region. The article talks about the current state of using the recreational and touristic resources of the region and the available opportunities.

**Key words:** water resources, hydrosphere, hydrographic objects, tourism, recreation, water bodies, tourist objects.

## **ВОДНЫЕ РЕСУРСЫ И РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА (В СЛУЧАЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**Мавлонов Ахмаджон Муҳамадович, Шокиров Ақобиржон Аброр ўғли  
(Бухарский государственный педагогический институт)**

**Аннотация:** В данной статье на примере Бухарской области анализируется развитие туризма применительно к водным ресурсам. В статье говорится о современном состоянии использования рекреационно-туристических ресурсов региона и имеющихся возможностях.

**Ключевые слова:** водные ресурсы, гидросфера, гидрографические объекты, туризм, рекреация, водные объекты, туристские объекты.

## **СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Мавлонов Ахмаджон Муҳамадович, Шокиров Ақобиржон Аброр ўғли  
(Бухоро давлат Педагогика институти)**

**Аннотация:** Ушбу мақолада сув ресурслари билан боғлиқ ҳолда туризмни ривожланиши Бухоро вилояти мисолида таҳлил қилинган. Мақолада

вилоятнинг рекреацион-туристик ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва мавжуд имкониятлар хусусида сўз боради.

**Калит сўзлар:** сув ресурслари, гидросфера, гидрография объектлари, туризм, рекреация, сув ҳавзалари, туристик объектлар.

**Кириш.** Табиат компонентлари орасида сув ресурслари алоҳида ўрин тутади. Сабаби гидросфера географик қобикда интегратор вазифасини бажаради. Чунки географик қобикнинг ичида борадиган деярли барча табиий географик жараёнларда сув иштирок этади.

Сув нафақат табиатда, балки жамият ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги, саноат сингари макроиқтисодиёт тармоқлари тараққиётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳалар, хусусан туризм соҳасини ривожланишида ҳам гидрография элементлари катта рол ўйнайди.

**Асосий қисм.** Маълумки, гидросфера иккита йирик тармоққа ажратилади: [28]

- Дунё океани сувлари;
- Қуруқлик сувлари.

Мамлакатларнинг географик ўрни ва ундаги гидрографик объектларга кўра давлатларда туризм турлича шаклланган. Жумладан, дунё океани ва унинг қисмларига туташ мамлакатларда денгиз туризми, кўрфаз туризми, соҳил туризми вужудга келган. Масалан, Шимолий, Қора ва Ўрта ер денгизи бўйидаги мамлакатларда денгиз туризми жуда яхши ривожланган.

Материкнинг ички қисмларидаги давлатларда эса туризм соҳаси, одатда дарё, кўл, сув омборлари каби гидрографик объектлар асосида ташкил қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Тошкент вилоятида – Чирчиқ ва Охангарон дарёлари ҳавзасида, Самарқанд вилоятида – Зарафшон дарёси бўйида, Наманганда – Норин дарёси, Андижонда – Қорадарё бўйларида туристик марказлар ва туристик-рекреацион объектлар фаолияти йўлга

қўйилган. Шунингдек, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Чорвоқ, Туябўғиз ва Каттакўрғон сув омборлари атрофида ҳам туристик фаолият йўлга қўйилган.

Бевосита чўл шароитида жойлашган, табиий оқар сув манбалари билан кам таъминланган Бухоро вилоятида эса сув ресурслари билан боғлиқ туристик объектлар сони ниҳоятда кам. Вилоятда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан фарқли, туризмнинг ривожидан сув объектларидан ҳовуз, кудуқ, булоқ, канал, ариқ кабилар иштирок этган.

Чунончи, Бухоро вилояти учун ҳовузлар қазилган ўзига хос бўлиб, уни бир канча ижобий хусусиятларини кўриш мумкин. Биринчидан, ҳовузлар аҳолини сув билан таъминлаган. Иккинчидан, шаҳарларда микроклимни ҳосил қилишда муҳим рол ўйнаган. Иссиқ иқлим шароити ҳовузларни кўплаб қазилганга мажбур қилган. Биргина Бухоро шаҳрида XX аср бошида 114 та ҳовуз бўлган [27]. Улар шаҳар ҳавосини муътадиллаштириб турган. Демак, ҳовузларни ташкил қилиш ҳам минтақа шаҳарларининг “чўллик” хусусиятларидан биридир. Учинчидан, Бухорода ҳовузлар жуда муқаддас ҳисобланган. Шунинг учун бўлса керак улар доимо масжиду-мадрасалар, мақбаралар ёнида жойлашган. Улар бирлашиб, ўзига хос **муқаддас ҳудудий мажмуалар**ни вужудга келтирган. Бундай муқаддас ҳовузлар ва масжид-мадрасалар ҳудудий тўпламининг баъзилари айна пайтгача сақланиб қолинган. Масалан, Бухоро шаҳрида Лаби Ҳовуз, Ҳавзи Нав, Боло Ҳовуз ва Ситораи Моҳи Хоссада, Гиждувон шаҳрида А.Гиждувоний зиёратгоҳида, Когонда Б.Нақшбанд қадамжосида муқаддас ҳудудий мажмуаларни учратиш мумкин [3].

Бундан ташқари, арид ҳудудлардаги сув объектлари, хусусан канал ва ариқлар бўйида туристик марказлар ва тугунларни ҳосил қилиш мумкин. Албатта, арид ҳудудлар ривожланишида гидрографик объектлар асосий ўрин тутди. Айниқса, чўл шароитидаги минтақалар тараққиётида чучук сувли дарё ва каналлар алоҳида ўринга эга. Вилоятдаги сув ҳавзалари (канал ва ариқлар,

сунъий кўллар, сув омборлари) атрофида ҳам туристик-рекреацион фаолиятни ташкил қилишнинг имкониятлари катта [4]. Сув хавзалари бўйидан саёҳат туризми, қайиқда сузиш, балиқ овлаш, саломатликни тиклаш каби соҳаларни йўлга қўйишда фойдаланса бўлади. Айниқса, бу борада Аму-Бухоро машина канали ва унинг тармоқлари алоҳида аҳамият касб этади [21].

Ўрганишларимиз шуни кўрсатадики, Аму – Бухоро машина канали (АБМК) қуйидаги рекреацион-туристик имкониятларга эга:

- АБМК бўйлаб маърифий сайр уюштириш (саёҳат туризми);
- Канал бўйларида балиқ овлаш;
- Канал атрофидаги қайирларда дам олиш ва саломатликни тиклаш;
- Сув спорти турларини ривожлантириш;
- Пляж туризми;
- Қайиқда сузиш;
- Тўқайлар флора ва фаунасида баҳра олиш;
- АБМК нинг хўжалик аҳамияти тўғрисида маълумотга эга бўлиш;
- Экологик маданиятни ошириш (сувни иқтисод қилиш маданияти);
- АБМК нинг экотуризм имкониятларини ўрганиш ва ҳ.к.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг минераллашган кудуқ ва булоқлари ҳамда шифобахш тузли ва балчиқга эга жойларидан рекреацион ресурс сифатида фойдаланишнинг истиқболлари катта [6].

**Хулоса** қилиб айтадиган бўлсак, Бухоро вилояти катта туристик имкониятларга эга. Гарчи вилоят чўл зонасида жойлашган бўлсада, унда ҳар бир табиат компонентлари базасида туристик объектлар ва маршрутларни ташкил қилиш мумкин. Айни пайтда, уларнинг айримларидан туризмда, хусусан ички туризмда фойдаланилмоқда. Аммо келажакда туристик инфраструктурани яхшилаш орқали ушбу объектлардан халқаро туризм объекти сифатида фойдаланиш имконияти бор. Бунинг учун энг аввало, мазкур туристик объектлар тўғрисида дам олувчиларга ахборот берувчи воситаларни кўпайтириш ҳамда реклама, тарғибот – ташвиқот ишлари ривожлантириш керак. Қолаверса, яқин келажакда бундай жойларда туристик

инфраструктурани (меҳмонхона, хостеллар куриш, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини) янада яхшилаш туристлар оқимини оширишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Muhammadovich, M. A., & Zakirovna, H. N. (2021). Agglomeration Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 10, 9-12.
2. Muhamadovich, M. A. (2021). DEVELOPMENT OF MIDDLE CITIES IN ZARAFSHAN REGION. *EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)*, 6(12), 1-1.
3. Mavlonov, A., & Jalilova, C. (2020). Geographical aspects of use of recreation resources for tourism (on the example of Bukhara region). *InterConf*.
4. Muhammadovich, M. A., & Zarifovna, J. C. (2020). GEOGRAPHICAL ASPECTS OF USE OF RECREATION RESOURCES FOR TOURISM (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION). *EDITOR COORDINATOR*, 1081.
5. Muhammadovich, M. A., & Zakirovna, H. N. (2021). Agglomeration Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 10, 9-12.
6. Muhamadovich, M. A., Elmurodovna, M. I., & Davronovna, K. D. (2020). The Desert Tourism And Opportunities For Its Development (On The Example Of Bukhara Region). *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(12), 68-73.
7. Салиев, А., Курбанов, П., & Мавлонов, А. (2008). Городское расселение в пустынях Узбекистана. *ÇÖLLERİ ÖZLEŞDIRMEĞİN PROBLEMALARY ПРОБЛЕМЫ ОСВОЕНИЯ ПУСТЫНЬ PROBLEMS OF DESERT DEVELOPMENT*, 21.

8. Мавлонов, А. М. Бухоро агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 23(23), 174.
9. Мавлонов, А. М., Нематов, А. Н., & Қаландарова, Д. Д. Бухоро вилоятининг чўл худудларидаги аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жиҳатлари. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 57(1), 2020-107.
10. Мухамадович, М. А. (2019). Развитие средних городов в Республике Узбекистан. *Материалы Географического общества Узбекистана*, 79-83.
11. Мухамадович, М. А. Бухоро вилояти шаҳарларининг классификацияси. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 26(26), 2005-70.
12. Салиев, А. С., Мухамедов, А., & Мавлонов, А. М. (2004). Проблемы совершенствования регионального расселения в Узбекистане. In *Материалы региональной научно-практической конференции «Туризм и наука»*.
13. Мавлонов, А. М., & Жалилова, Ч. З. (2019). Опустынивание и развитие городов." *Проблемы опустынивания: динамика, оценка, решение" материалы международной*.
14. Мухамадович, М. А. (2019). Македониялик Александр бунёд этган шаҳарлар географияси. *Известия географического общества Узбекистана*, 55(1).
15. Мавлонов, А. М. (2007). Бухоро вилояти шаҳарларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг баъзи бир муаммолари. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 28, 28.
16. Saidova, D. (2022). Boshlang 'ich sinflarda "Yosh tabiatshunos" to 'garagini tashkil etishning ilmiy-amaliy ahamiyarti. *Pedagogs jurnali*, 1(1), 440-442.
17. Мавлонов, А. М., & Жалилова, Ч. З. (2022). Чўл худудларининг рекреацион-туристик салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятлари (Бухоро вилояти мисолида). *Science and Education*, 3(6), 107-113.

18. Мавлонов, А. М., & Жалилова, Ч. З. (2022). Чегарадош ҳудудларда зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболлари (Ўзбекистон ва Туркменистон чегарадош ҳудудлари мисолида). *Science and Education*, 3(6), 101-106.
19. Мавлонов, А. М. Тошов Худойназар Рамазонович. *Аму-Бухоро машина канали зонаси рекреацион ҳудуд сифатида. Географические проблемы и возможности развития туризма и рекреации*, (2019).
20. Mavlonov, A. M., Jalilova, C. Z., & Fazliddinova, K. M. (2023). FEATURES OF THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF CITIES IN DESERT CONDITIONS. *Journal of Geography and Natural Resources*, 3(01), 16-21.
21. Мавлонов, А. М. (2022). АМУ-БУХОРО МАШИНА КАНАЛИНИНГ ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ИМКОНИЯТЛАРИ. *Экономика и социум*, (12-1 (103)), 702-706.
22. Мавлонов, А. М., Жалилова, Ч. З., & Усмонов, А. У. (2022). ЧЎЛ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ (ГАЗЛИ-ЦВЕТУШИЙ-ЖОНГЕЛДИ-ЧУРУҚ-ГАЗЛИ ҲАЛҚАСИ МИСОЛИДА). *Экономика и социум*, (12-1 (103)), 707-712.
23. Mavlonov, A. (2022). VOBKENT TUMANI YANGI SHAHARCHALARINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI. *Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali*, 2(2).
24. Мавлонов, А. М., & Ҳаётова, Н. (2022). Барқарор шаҳар муҳитини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари. *Science and Education*, 3(11), 366-371.
25. Mavlonov, A., & Jalilova, C. (2020). Geographical aspects of use of recreation resources for tourism (on the example of Bukhara region). *InterConf*.
26. Muhammadovich, M. A., & Zarifovna, J. C. (2020). GEOGRAPHICAL ASPECTS OF USE OF RECREATION RESOURCES FOR TOURISM (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION). *EDITOR COORDINATOR*, 1081.
27. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. – Ташкент, 1927.

28. Баратов П., Султанова Н.Б. Умумий Ер билими. – Т., 2019. 186 б.